



22:46 / 21.07.2025 1151

«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси ва Islom.uz портали жамоаси Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими ҳамда «AlQuran.uz» порталининг раҳбари, устоз шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдумга сингилларининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳума синглимизнинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, раҳматига чулғасин, мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

Ушбу оғир дамларда марҳуманинг барча аҳли байтларига, яқинларига Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Марҳума синглимиз Азҳар дорилфунунининг талабаси эдилар, Осим қироатининг Ҳафс ва Шуъба ривоятлари ҳамда «Муқаддиматул-Жазарийя», «Тухфатул-атфол» ва «Арбаъийни набавийя» каби кўплаб асарлар бўйича ижоза соҳибаси эдилар. Йигирма йилдан бери Қуръони Карим таълими йўлида самарали меҳнат қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирган эдилар. Шунингдек, «alquranuz» мобил иловасидаги «Al-Fatiha online» дастурининг устозаларидан бўлиб, кўплаб аёлларнинг қироатини тўғрилашга катта ҳисса қўшиб келаётган эдилар.

Аллоҳ таоло бу қория синглимизнинг бу хизматларини ҳусни қабул айлаб, охиратда Қуръони Карим шафоати билан мукофотласин! Жаннатдаги даражаларини Қуръон билан юксалтирсин! Беморликда чеккан барча машаққатлари каффорат бўлиб, жаннатдаги мартабаларининг баланд бўлишига сабабчи бўлсин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

Жаноза маросими эртага, сешанба 22 июль куни соат 17:45да, шайх Алижон қорининг Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Бойларовул қишлоғидаги хонадонларида бўлиб ўтади.

[Манзил](#)